

ШУХРАТ СИРОЖИДДИНОВ

**НАВОЙЙ
ЗАМОНДОШЛАРИ
ЭЪТИРОФИДА**

“Зарафшон “ наприёти,
Самарқанд - 1996

Шухрат СИРОЖИДИНОВ НАВОИЙ ЗАМОНДОШЛАРИ ЭЪТИРОФИДА
(Масъул мухаррир- Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси,
профессор Б.Н.Валихўжасев)

Самарқанд, Зарафшон нашриёти, 1996 йил, 65 бет.

Ўзбек халқининг буюк фарзанди Алишер Навоий ўрта асрлар маданияти ва илм-фани ривожига бениҳоя катта таъсир кўрсатган улуг сиймодир. Ушбу рисолада ҳануз кам ўрганилган соҳа - XV аср Ҳирот илм-фан вакиллариининг Алишер Навоийга муносабати ҳақида сўз юритилади.

Тақризчилар:

филология фанлари доктори Р.О.Орзибеков,
филология фанлари доктори М.К.Муҳиддинов.

К И Р И Ш

Ўзбек халқининг атоқли намоюдаси, шоир ва мутафаккир Амир Низомиддин Алишер Навоий ўз умрини тўлалигича илм-адабнинг ривожига ва унинг вакилларига гамхўрлик қилишга бағишланганлиги билан бутун жаҳонда машҳур бўлган. Унинг бевосита моддий ва маънавий кўмаги остида ўнлаб олимлар ижод этганлар. Тарихий асарлар ёзиш кенг рағбатлантирилган. Тасвирий санъат усталарининг ишига алоҳида эътибор берилган. Ҳиротда унинг шахсий ташаббуси билан Ҳалосия, Шифоия, Низомия каби бир неча ўнлаб иморатлар, масжиду мадрасалар қурилганки, уларда машҳур олимлар дарс бериш билан бирга тадқиқотлар олиб бориш имкониятига ҳам эга бўлганлар. Хондамир ёзганидек:

*Жаҳонни тўлдирди иморатга ул,
Сонини назарга илмга буткул.
Улар кенглигига замин тор келди,
Юксакликда чархни қолдирди.*

Бу даврда риёзиёт, илми нужум, ҳандаса, мантиқ, фикҳ, илоҳиёт каби устивор илмларнинг ривожига билан бир қаторда, илми бадеъ, тарих, тилшунослик каби соҳаларда ҳам кўплаб асарлар яратилди. Алишер Навоий ҳар бир олимга, санъаткорга алоҳида эътибор берар ва ҳар бирининг оилавий шароитини яхшилаш учун ўз мол-мулкидан маблағлар ажратар эди. Албатта бундай эҳсонлар юзлаб фан фидойларининг шукроналарига ва олқишларига боис бўлган ва улар асарларида улуг мутафаккирнинг ибратли хизматларини қайд этиб кетганлар. Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг ушбу хизматларини қадрлар, уни салтанат тожининг гавҳари

деб эъзозлаб олдингидан ҳам зиёда лутфу инъомлар билан сарфароз этар эди. Сабаби, Алишер Навоий раҳнамолигида Ҳирот илмий-адабий муҳити ўзининг кенг қамровлилиги билан ва султон томонидан яратиб берилган катта шароитлару имкониятлар тўғайли темурийлар салтанатининг энг маданиятли ва инсонпарвар сулола сифатида, хусусан Султон Ҳусайн Бойқаро шахсиятининг санъатсевар ва илмпарвар подшоҳ сифатида тарих зарварақларига нақшланишига сабаб бўлди. Алишер Навоий ўзи "Вақфия" асарида эътироф этганидек:

*Элдин менга гарчи ғайри заҳмат²йўқ эди,
Айб эрмас агар музд ила миннат йўқ эди.
Эл бердилар, аммо менга рағбат йўқ эди,
Шаҳ давлатидин буларга ҳожат йўқ эди.*

Ҳусайн Бойқаронинг Алишер Навоий учун ажратган суюрғол ва ойлик маблағлари барчаси улуг шоир томонидан илм аҳли шароитларини яхшилашга сарф бўлар ва толиби илмлар ҳамда бева-бечораларга садақа қилинарди. Аҳлий Шерозий тўғри айтган:

*Мумкин на, ки ҳаргиз чу ту ёбаг олам,
Ҳаргиз чу ту кас нагид марде ба карам.*

(Олам сендекни топмоғи мушкулдир, ҳеч ким сендек саховатли мардни кўргани йўқ.)

XV асрнинг машҳур тарихнависларидан бўлмиш Фиёсиддин Хондамир Алишер Навоийни мадҳ эта туриб, "Вагарна манқабати офтоб маълум аст, чи ҳожатест ба машшота рўйи зеборо"яни қуёшнинг фазилати ҳожати таъриф эмас, зебо юзга машшотанинг нима кераги бор, деганда унинг тарих олдидаги хизматлари шунчалик маълум ва машҳурлигидан уни таъкидлаш ўринсизлигини назарда тутган бўлса керак. Давлатшоҳ Самарқандий ҳам ўз тазкирасида "Офтобни таърифлаш нодонлик аломати" дея Хондамирдан анча илгари Алишер Навоийга юксак баҳо берган ва унинг буюк ишлари кўлаמידан таъсирланган эди. Дарҳақиқат, Алишер Навоийдек улуг даҳо мавжудлиги ўлароқ, XV аср иккинчи ярми темурийлар салтанатида маданият юксал-

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|--|----|
| Кириш..... | 3 |
| Буюк мақсад йўлида (Жомий ва Навоий) | 7 |
| Абдуллоҳ Хотифий | 14 |
| Камолиддин Хусайн Кошифий | 16 |
| Атоуллоҳ Асилий | 18 |
| Атоуллоҳ Маҳмуд Хусайний | 21 |
| Шамсиддин Муҳаммад Бадахший | 23 |
| Хусайн ибн Муҳаммад ат-Хусайний | 26 |
| Муҳаммад Аҳлий Шерозий | 32 |
| Камолиддин Биноий | 49 |
| Фиёсиддин Хондамир | 57 |
| Хулоса ўрнида | 64 |

| | |
|---------------|-----------------|
| Мухаррир | А. Абдурахмонов |
| Тех. муҳаррир | Р. Мамажонов |
| Мусахҳих | Б. Мамажонов |

Босишга рухсат этилди 28.12.95 й.
Бичими 84x108¹/₃₂ Нашр босма табоғи 4,0. Жами 1000 нуска.
Буюртма 75. Баҳоси шартнома асосида.

“Зарафшон” нашриёти, 703000. Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12

“ДЎСТЛИК” ИИФ босмахонасида чоп этилди.